ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

СЕРЕН КЪЕРКЕГОР ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ

Гулноз Мирахраровна Рузматова
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
профессори, фалсафа фанлари доктори
ruzmatovagulnoz1968@gmail.com

Дилнавоз Суннат қизи Рахимджанова
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти
ruzmatova.dilnavoz@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Маънавиятга интилиш ҳар бир инсонннинг эҳтиёжидир. Агарда моддий неъматлар инсонга жисмоний озиқ, куч-қудрат берса, маънавият эса унга руҳий озуқа, маънавий куч-қудрат бағишлаб ўзлигини англаш учун замин тайёрлайди. Шундай экан, руҳият инсон ҳаёти моҳиятининг таянчларидан биридир. Мазкур масалага кўпгина шарқ ва ғарб мутафаккирлари диққат эътиборларини қаратганлар. Руҳият ривожи инсонни комилликка элитувчи, ҳаётини чароғон этувчи, чуқур мазмун билан тўлдирувчи зиёдир. Инсон руҳий ривожи, унинг бевосита ҳаётида, орзу-умидларида, фаолиятида, бошқалар билан муносабатида, изтиробу қайғуларида, шодлигу хуррамлигида намоён бўлади. Жумладан, ана шу ҳақидаги даниялик файласуф, экзистенциал оқимнинг асосчиларидан бири Сёрен Къеркегорнинг фикрлари диққатга сазовордир.

Калит сўзлар: христианча экзистенциализм, танлов, қўрқув, инсон руҳий ривож босқичлари, ёки-ёки, инсон «мавжудлиги», инсон ички кечинмалари, ихтиёр эркинлиги, ўзини билиш (self-insigft), танлаш зарурати.

THE ESSENCE OF SEREN KERKEGOR EXISTENTIALISM

Gulnoz Mirakhrarovna Ruzmatova
Professor, Doctor of Philosophy, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
ruzmatovagulnoz1968@gmail.com

Dilnavoz Sunnat kizi Rakhimdjanova
Doctoral student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
ruzmatova.dilnavoz@gmail.com

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ABSTRACT

The pursuit of spirituality is the need of every human being. If material blessings give a person physical nourishment and strength, spirituality prepares the ground for self-realization by giving him spiritual nourishment and spiritual strength. Therefore, the psyche is one of the pillars of the essence of human life. This issue has attracted the attention of many Eastern and Western thinkers. Spiritual development is an enlightenment that brings a person to perfection, illuminates his life and fills it with deep meaning. Man's spiritual development is manifested in his immediate life, in his hopes, in his activities, in his relationships with others, in his sorrows, in his joys and sorrows. In particular, the opinion of the Danish philosopher, one of the founders of the existential movement, Sjoren Kerkegor, is noteworthy.

Keywords: Christian existentialism, choice, fear, stages of human spiritual development, or-or, human "existence", human inner experiences, freedom of will, self-knowledge (self-insigft), the need to choose.

КИРИШ

Серен Къеркегор фалсафий-теологик таълимоти унинг экзистенциалистик дунёқарашнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам экзистенциализм фалсафий таълимот сифатида Европада ҳукмрон бўлган ҳозирги давр иррационализмининг ўзига хос кўринишларидан ҳисобланади. Серен Къеркегор экзистенциализмининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унга экзистенциал тафаккур ғояси ўз ифодасини топган. Агар соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, илмий тафаккур кўпрок назарий, мантиқий хулосаларга таянса, экзистенциал тафаккур эса инсон ички кечинмалари, унинг руҳий ҳолатлари билан боғлиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда ғарб фалсафасига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Шу маънода экзистенциализм оқими намоёндаларининг фалсафий қарашлари бугунги кунда олимларимиз томонидан тўлиқ ўрганилмоқда. Шунингдек, файласуфнинг ижодини ҳар томонлама ёритувчи Б.Т.Тўйчиев [1], Л.Шестов [2], Б.Э.Биховский [3] ва бошқа тадқиқотчилари ишларини, рисолаларини, мақолаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Рус экзистенциалисти Л.Шестов Къеркегор фалсафасини айниқса унинг яшаш фалсафасини ривожлантирди. У Ницшенинг нигилизмдан келиб чиқиб, инсон ҳаётининг мазмунсиз ва мантиқсиз мавжудлик деб ҳисоблайди. Унинг вафотидан кейин 1939 йилда Парижда «Къеркегор ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

экзистенциал фалсафа» номли асари нашр қилинган [1, 76]. 1972 йилнинг бошларида Б.Э.Биховскийнинг [1, 76] «Къеркегор» деган китобчаси нашрдан чиққан эди. Шунинг учун ҳам мазкур китобча, биз учун Къеркегор фалсафасининг шарҳи сифатида эмас, балки унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид асосий манбалардан бири вазифасини ўтади [4, 709].

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Къеркегорнинг мақсади экзистенциал ўзини билиш (self-insigft), бунинг воситаси эса, риторика ва киноядан фойдаланиш. Шунинг учун ўзини рефлексиялаш ва риторика доирасида бизнинг Къеркегорни тушунишимизга нисбатан савол туғилади. Бу аслида шундайми ёки биз шундай деяпмизми? Шу пайтгача Къеркегор “яширин билим” билан шуғулланувчи (Аристотелдан то Хайдеггергача) ва ҳукм ёрдамида муҳокама предмети бўла олмайдиган нарсаларни кўрсатишга интилаётган (Суқрот ва Витгенштейнга мос тарзда) фалсафий анъананинг бир қисми эди. Бу фикр баён қилингач, биз Къеркегорнинг “икки ҳиссали рефлексиясини” ва кинояли узоқлашувини қўллашга ҳаракат қилиб кўриш керак. Ўз фикрларини ўзига хос услубда ифодалаши учун Къеркегорнинг ўзидан иқтибос келтириш энг яхши йўл.

Къеркегор ўз фасафий таълимотини экзистенциализм фалсафаси деб атайди. Мазкур истилони у кўплаб асарларида қўллайди. Аммо экзистенциализм фалсафаси нима? деган саволга жавоб ёки бу тушунчаларга таъриф унинг асарларида берилмаган. «Чунки экзистенциал тушунчаларга таъриф беришдан қочиш – бу изчилликдан далолатдир» [4, 709], - дейди у. Къеркегор экзистенциализм фалсафасининг ўзига хос томони шундаки, унда «абсурд» ва «ақл» ўртасидаги муносабатлар доимий зиддиятлардан иборат бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, Къеркегорнинг инсон борлиғи ҳақидаги қарашлари зидциятларга бой ва ноизчил тафаккур намунаси дейишимиз мумкин. Аммо, у зарурият бўлса, яъни у ёки бу фикрни асосламоқчи бўлса ва буни у хоҳласа, қатъий изчиллик ҳамда тизимийлик асосида мушоҳада қила олади.

Къеркегор инсон «мавжудлиги» масаласига кенг эътибор беради. Унинг таъкидлашича, инсоннинг ўзлиги билан «учрашув» ҳаётнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

тўфонли даврларида содир бўлади, қачонки («Ёки-ёки» асари) танлаш зарурати пайдо бўлганида содир бўлади. Айнан шундай вазиятда инсон ўз мавжудлигини яққол ҳис қилади, англайди. Къеркегор ўз маъшуқаси Регинадан воз кечганида, осойишта оилавий ҳаётдан воз кечади, ўзини бир умрга саргардонликка маҳкум қилади. Демак, ўз ҳаётидаги бундай мисол билан Къеркегор шуни исботлайдики, танлаш вазияти мавҳум фикрда эмас, балки ҳаётнинг энг оғир дамларида ўзини намоён қилади. Амалий, ахлоқий мавжудот сифатида ҳар бир инсон аниқ ҳаётида қандай йўл тутиши керак, қандай ҳаракат қилиши кераклигини билишни хоҳлайди. Къеркегор ҳаётдаги танлаш масаласига диққат эътиборини қаратиб, уни ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Къеркегор фикрича, танлаш вазияти инсонни изтиробидан халос этиш билан боғликдир. Бу масалани ҳал қилишда у ўз руҳий ривожининг турли даврларини таҳлил қилади, буни инсон мавжудлигининг ривожланиш даврларига татбиқ қилади. Бу поғоналар қуйидагилардан иборат: эстетик, ахлоқий ва диний. Биринчи, иккинчи даврлар «Ёки-ёки» асарида тўлиқ таҳлил қилинган. Учинчи давр эса «Қўрқув ва ҳаяжон» асарида очиб берилган. Ҳар уч давр қайтадан яна «Ҳаётий йўл чорраҳалари»да чуқурроқ таҳлил қилинган.

Инсон ўз руҳий ривожининг эстетик даврида ташқи дунёга катта эътибор беради. Эстетика бу ҳиссиётлар ўйинидир. Бу даврнинг типик образи - Дон Жуан. У ҳамма нарсани билишни хоҳлайди, лаззатланишнинг ҳар бир турини ўз танида ҳис этишни истайди. Мусиқа, театр, аёллар ҳаммаси унинг ихтиёрида. Бироқ эстетика қанчалик ҳиссиёт оғушига берилса, у шунча кучли қониқмаслик туйғуларини бошидан ўтказади.

Шундай қилиб, эстетик ҳаёт тарзи инсонни зерикарли ҳаётга олиб келади, ундан воз кечиб инсон юқорироқ даражадаги ҳаёт тарзига ўтади, яъни ахлоқий даврга ўтади. Бу даврда бурч ҳиссиёти ҳукмрон бўлади. Ахлоқий даврда инсон ҳиссиётлар ўйинидан воз кечиб, ўз хоҳиш-иродасини ахлоқий қонуниятга бўйсиндиради. Бунда танлаш ҳаракати содир бўлиб, у ўзини ахлоқий мавжудот сифатида танлайди, яъни эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги фарқни билгувчи, ўзининг гуноҳкорлигини англагувчи ва ҳақ йўлини танлаган шахс сифатида намоён бўлади. Бу даврнинг яққол образи – Суқрот мисолида кўринади. Бу даврда эстетик ҳаёт тарзи танқид остига олинади.

Ахлоқийлик ҳаёти бу бурчни адо этишдир, ташқи бурчни эмас, балки

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ички, ўз олдидаги бурчни бажаришдир. У ички, ботиний ҳаёт билан яшайди. Зотан бурч бошқа инсонлар билан муносабатларда намоён бўлса ҳам, лекин ахлоқийликнинг асосий позицияси – бу унинг ташқи ҳаракатлари эмас, балки ички холатидир, яъни индивиднинг ички руҳий ҳаёти, фақат унга хос бўлган холатидир.

Фақат танлаш холатидагина инсон ўзлигини топади, фақат эркинликгина ҳақиқий шахсни намоён қилади, деб таъкидлайди Кьеркегор. Эркинликни у танлашнинг мутлақ, ажралмас имконияти сифатида тушунади. Эстетик даврда инсон тасодифият ва зарурат ҳукми остидадир, яъни шахсий хоҳишлар, истаклар оқими қаерга бошласа, ўша ёққа қараб сузаверади. Эстетик бошланғич инсонни бевосита кимлигини намоён қилади. У қандай бўлса – шундайдир.

Ахлоқийлик даражасида эса у шахс сифатида намоён бўлади ва у мутлақ ягоналикдир. Шу маънода «Мен мутлақликни танладим»,- дейди Кьеркегор. «Мутлақлик – бу мен, яъни ўзлигимнинг абадий мазмунидир; бошқа ҳеч нарса, ҳеч қачон абадийликнинг мутлақ предмети бўла олмайди. Менинг «меним» нима ўзи? Бу энг аввало – эркинликдир. Танлаш – эркинликнинг намоён бўлиши ва унга олиб борувчи йўл. Эркинлик танлашнинг ажралмас асосий қисмидир» [5, 274]. Шундай қилиб, Кьеркегор ахлоқийлик давридаги танлаш холатини масъулият билан чамбарчас боғлайди. Инсон ҳаётидаги танлашда эса, эътиқодни танлашни, эътиқод эркинлигини кўпроқ назарда тутади.

Ахлоқий давр ҳам охирги давр эмас, у инсон ҳаётини тўлиқ қониқтирмайди. Инсон ўз имкониятларини тўлиқ амалга ошира олмайди. У бундай имкониятини диний даврда тўлиқ амалга оширади, дейди Кьеркегор. Диний даврда инсон энг умумий қонунларга бўйсинмайди, ўзининг эътиқоди билан бевосита, шахсий мулоқотга киришади. Бу ерда инсон, ҳаттоки ҳар қандай умумий ахлоқий қонун чегарасидан юқори кўтарилади. Унинг чегарасидан чиқади. Авраам бу давр тимсолидир.

Ҳақиқат мезони эса, Кьеркегор фикрича, ҳар бир инсон ҳақиқий деб билган бирон-бир ғояни чин дилдан, тўлиқ ишонч, эътиқод билан қабул қилишидир, шу ғоя учун ҳар қандай қурбонликларга ҳам, азоб-уқубатга ҳам тайёр туришидир. Шундай қилиб, Кьеркегор танлаш ва унга масъулиятли бўлишни талаб қилади. Танлаш бўлса ҳар доим тасодифан юзага келади, у ҳеч қачон сабаб-оқибатлар билан боғланмайди. Демак, Кьеркегорнинг инсон ҳаёти йўлининг уч даври – инсон ички олами, эътиқоди, руҳияти

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ривожи даврларидир. Бир даврдан иккинчисига ўтиш мантиқий жараён сифатида содир бўлмай, балки ирода ҳаракатининг, танлашнинг оқибатидир. Бундай танлашда тафаккур эмас, балки инсон ўзининг бутун ботини билан иштирок этади.

Даврдан даврга ўтиш қандай содир бўлади, нима учун содир бўлади, унинг руҳиятдаги акси қандай бўлади? Кьеркегор фикрича, ўтиш инсоннинг ички пушаймонлар, надоматлар бўҳрони туфайли, тафаккурдан воз кечиш орқали юзага келади. «Муҳтожликни танлаб, мен пушаймонни, надоматни танлайман, надоматни танлаб мен мутлақни танлайман, шунинг учун ҳам мутлақлик – бу менман…» [5, 275], - дейди Кьеркегор. Тафаккур билан қалбнинг тўқнашиши, ҳисларни ҳиссиёт бўҳронига олиб келади ва уларни маънан қайта кўришга бориб тақалади. Лекин бу бўҳрон инсонни ҳалокатдан қутқариш қувватига эга бўлади.

Инсон қандай танлашни ихтиёр қилиши керак? Бу эътиқод ва эътиқодсизлик ўртасидаги, эътиқод ва тафаккур ўртасидаги танлашдир. Инсон ўзини қутқаришни эътиқоддан топади. Фақатгина мутлақ танлашда инсон ўзининг мутлақ эркинлигини топади. Бу инсон ўзининг абадий хотиржамлигига, илоҳийлигига эришишидир. Танлаш, эътиқодли бўлиш йўқликка сакраш орқали содир бўлади, бунда у ўзлигини бутунлай йўқотади. Шунда унинг атрофини бўшлиқ қамраб олади, инсон надомат қила бошлайди. Инсон бўшлиққа сакраб, шу йўлни танласа, у ниҳоят ўзини топади, ўзининг ҳақиқий менига эришади. Бу «мен» ҳам чеклилик, ҳам чексизликдир. Шундай қилиб, Кьеркегор янги фалсафий мушоҳада қилиш усулини яратди. Унинг фалсафий ғоялари тартибли, мантиқий тизим холатида баён қилинмайди. У ўз асарларини бадиий, фалсафий эссе сифатида, бадиий-адабий асар сифатида яратди.

Даниялик файласуф Серен Кьеркегор бошқа маълум файласуфлардан бадиий қобилиятининг устунлиги билан ажралиб туради. У қатор индивидуал инсоний кечинмалар орқали чуқур фалсафий ғояларни ифодалай олади. Файласуф Гегель, Кант ёки Шеллинг сингари мураккаб тизимларни, қонунларни ва категорияларни яратмаган бўлсада у фалсафий йўналиш бўлган экзистенциализмнинг асосчиси хисобланади.

Фалсафанинг вазифаси Кьеркегор тасаввурида, кишиларга тайёр ҳақиқатларни етказиб беришдан иборат бўлмай балки уларнинг ўзлари ҳақиқатларни яратишида кишиларга кўмаклашишдан иборатдир. Зеро, инсон кашф этган ҳақиқатларгина, яъни ҳаққоний билимларгина инсоннинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ўсиб бораётган эҳтиёжини қондира олади. Агар мазкур фикрдан келиб чиқилса, фалсафа фақатгина инсон руҳиятининг, қалбининг, ақлий фаолиятигина бўлиш билан чекланмайди. Шунингдек, фалсафа фақатгина шубҳаланиш, қизиқишдан бошланмайди, Къеркегор экзистенциал фалсафасининг бошланғич принцици, бу - изтиробдир.

Къеркегор фалсафий дуиёқарашининг марказида инсон ва унинг ички олами ётади. Улар руҳий ҳолатлар ва кечинмаларда ўзини намоён килади. Ана шундай кечинмаларнинг биринчи даврини Къеркегор эстетик, давр деб атайди. Файласуф наздида эстетика бизнинг тушунчамиздан фарқ қилади. Бу давр учун ҳаётга нисбатан алоҳида шафоатли хусусиятлар хос. Ташки объектлардан ҳузур ва ҳаловат олишга ҳаракат қилинади. Бу даврда инсон ўзининг барча хоҳиш ва эҳтиросларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Лекин, мақсадига эришганда, қониқиш ҳосил қилмайди. Бу даврнинг ниҳояси Къеркегорнинг “Ёки-ёки” асарида ўз аксини топган.

Янада юқорироқ даражага ўтиш эстетик ҳаётдан ахлоқийликка ўтишни тақозо килади. Лекин, ахлоқий ҳаётни Къеркегор, Гегель ва Кантдан бутунлай фарқ қиладиган ҳодиса сифатида тушунади. Кантнинг ахлоқий императиви нуқтаи назаридан, унинг ҳолати умумий қонун сифатида намоён бўлиши шарт. Соддароқ қилиб айтганда, инсон ақли унинг юриш, туришни, ҳулқини яхши ва ёмон томонларга, хислатларга ажратади ҳамда яхши, ижобий ҳаракатларни амалга оширишга тавсия қилади. Къеркегор бу муаммога бутунлай бошқача ёндашади. Ҳаёт чархпалагида бизга ёмон бўлиб кўринган нарсалар, фойдали, керакли бўлиши мумкин. Тафаккур орқали ажратиладиган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги фарқ, Къеркегор нуқтаи назаридан олиб қараганда жуда ҳам нисбийдир. Инсон ҳаракатларининг ҳукмдори “қалбдир”. Танловни у аниқлайди.

Ички танлов инсондан чуқур руҳий масъулиятни талаб қилади. Бу масъулият инсонни руҳий жиҳатдан етилишига олиб келади. Эстетик даврда танловни амалга ошириш жуда мураккабдир, чунки қалбда ҳали ҳеч қандай тимсоллар шаклланиб улгурмаган. Унинг кўпгина ҳиссиёт сўқмоқларини босиб ўтишига тўғри келади. Қалб ҳеч қандай категорик императивга бўйсунмайди. Инсон қалбини жалб қилувчи ягона куч бу изтиробдан холи бўлишга ёрдам беради, у ҳам бўлса, диний эътиқоддир. Ахлоқий давр диний даврга ўтиш билан якунланади.

Диний эътиқод руҳий ривожланишнинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Къеркегорнинг диний эътиқод ҳақидаги тасаввурлари буюк

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

файласуфлар саналмиш Кант, Гегель ва бошқа Ғарб мутафаккирларининг қарашларидан тубдан фарқ қилади. Худди шундай Кьеркегорнинг диний эътиқоди христианлик черкови таълимоти билан мос келмайди. Бу Иова ҳаётини муҳокама қилаётганида яққол кўзга ташланади. Маълум бўлишича, Иова инжилдаги пайғамбардир. У ўзининг фаразандларини, бойлигини йўқотади ва даврдошлари ҳам ундан юз ўгирадилар. Улар Иованинг ҳамма изтиробларини у қилган гуноҳларининг натижаси, деб биладилар. Кьеркегор Иованинг изтиробларини ёрқин мисраларда жонли ифодалайди. Унингча қалб ҳамма азоблардан ўтиб покланади. Соф ҳолда ўз яратувчисининг олдига, ҳузурига келади. Иова учун йўқотган нарсаларини худо қайтарадими ёки йўкми бу аҳамиятсиздир. Бироқ у ўз хотиржамлигини ички эътиқодидан олади. Худди шу эътиқод унга берилган энг олий мукофот бўлади.

Кьеркегор ҳаммага маълум бўлган Иброҳим билан унинг ўғли Исо ҳақидаги ривоятни келтиради. Бу ривоятда Иброҳимнинг эътиқоди, шунчалик кучлики, у эзгулик ва ёвузлик ҳақида сира ўйламайди. У худога ишонади, чунки унинг карами кенглиги ҳеч қандай шубҳа йўқ. Зеро, ўлимга маҳкум этилса ҳам, у Иброҳим учун ёмонлик эмас. Кьеркегор нуқтаи назаридан, руҳий ривожланишнинг диний даражасида Кантнинг категорик императиви ҳеч қандай мазмунга эга бўлмай қолади.

Шундай қилиб, Кьеркегор немис мумтоз файласуфларининг эзгулик ва ёвузлик, изтироблар ҳақидаги анъанавий тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборади. Кьеркегор дунёқарашининг марказида рационал мулоҳазалар эгалламайди, умуман, дунё ҳақида билимни тафаккурий жараён эканлиги ҳақида, ҳақиқат билим мезони тўғрисида фикрлаш қизиқ эмас. Кьеркегор ўз фалсафасини яратишга интилади. Лекин, ҳаётининг ўзи ёрқин фалсафий феномен сифатида намоён бўлди. Бу эса катта фалсафий йўналиш бўлган экзистенциализмнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Кьеркегорнинг Гегель фалсафаси билан келиша олмаганлиги равшандир, чунки экзистенция, унинг фикрича, умуман тушунча орқали очилмайди, тушунилмайди ҳам. Бу шундай реалликки, уни объективлаштириш мумкин эмас. Айрим файласуфлар «Мен мавжудман» деган мавзуда фикр юритган бўлсалар ҳам, лекин мавжудликнинг асл моҳияти нимада эканлигини англамаганлар. Улар асосий ҳолни ўз диққат эътиборларидан четда қолдирганлар, яъни менинг мавжудлигим тафаккуримда, фикр юритишимда эмас, балки бевосита ҳаётда намоён

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

бўлишимда, ҳиссиётларимда, кечинмаларимда акс этишидир. Къеркегор фикрича, мен ўз мавжудлигим билан тафаккуримдаги инъикос орқали эмас, балки ҳаётдаги оқим орқали учрашаман ва танишаман, учрайдиган турли муаммолар билан тўқнашаман. Къеркегор айтадики, мен қанчалик кам фикрласам, шунчалик кўп мавжудман.

«Қўрқув» тушунчаси миқдорий диалектиканинг асосий категорияларидандир. Қўрқув борлиқ ва ноборлиқ билан боғлиқ бўлиб, субъектив характерга эга. Къеркегорнинг асосий ғояси шундан иборатки, билимларнинг дифференциаллашуви ва илмий ахборотнинг кескин кўпайиши, оқибатда яшаш фалсафаси, инсон борлиғининг моҳияти нимадан иборат, инсон «мен»ининг ички моҳиятини билишнинг аҳамияти масаласи, маълум даражада иккинчи даражали муаммоларга секин-аста айланиб боради. Ҳолбуки, инсон «мен»ининг чексиз қаъри, фалсафанинг таҳлил объектига айланмоғи лозим. Яккаю ягона борлиқ бу ташқи, моддий дунё эмас, балки, том маънодаги воқелик инсон ички дунёсидир. Къеркегорнинг фикрича, курраи заминда барча нарса ва ҳбдисалар қандай бўлса, шундайлигича қолиши маъқул. Қўрқув (страх - *angest*) ва хавфнинг кучайиши ижтимоий ҳаётда давлат ва диннинг уйғунлашиб кетиши билан боғлиқ. Қўрқув инсон руҳини яширади, унинг эгови ва мазкур тушунча фалсафадан кўра кўпроқ психологияга мансуб ҳодисадир.

Аммо Къеркегорнинг фикрича, психология фани деярли ҳеч вақт бу масалалар билан шуғулланган эмас, шунинг учун мен, бу масалага ойдинлик киритмоқчиман» [4, 729], - дейди. Қўрқув ва ҳадиксираш бир-бирларига яқин ва ҳатто синонимлар бўлсада, улар ўртасидаги кескин тафовут бор. Бу тафовут шундаки, ҳадиксираш бирор-бир, асосан конкрет нарса ёки ҳодисага тегишли бўлган ижтимоий-руҳий ҳодисадир. Қўрқув эса, эркнинг воқеалишуви ва муайян воқеликдир. Шунинг учун ҳам Къеркегор фикрига кўра, қўрқув ҳайвонларга хос эмас, чунки уларда у руҳ сифатида мавжуд эмас [4, 724-731]. Табиий Къеркегор бу масалада, назаримизда хатога йўл қўйган.

Чунки, гап умуман қўрқув ҳақида кетадиган бўлса, унда бу ҳиссиёт инстинктив тарзда ҳайвонларга ҳам хос бўлган ҳиссиётдир. Қўрқувнинг мазмун ва моҳияти инсонларда ва ҳайвонот оламида ҳам ўхшаш ва ҳам тафовутли жиҳатларига эга. Инсон онгли мавжудот бўлганлиги туфайли, қўрқув ҳиссиёти, унинг экзистенциясининг ажралмас қисмидир. “Инсон, - деб ёзган эди Къеркегор, - жон ва тананинг мужассамидир. Аммо бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

мужассамликни бу икки компонентнинг бирлигининг натижаси учинчи бир компонентсиз уни тасаввур этиш қийин. Бу учинчи компонент эса руҳдир (Aanden)" [4, 726].

Къеркегорнинг таъкидлашича, ўзлиги билан «учрашув» инсон ҳаётининг тўфонли даврларида содир бўлади, қачонки («Ёки-ёки») танлаш зарурати пайдо бўлганида содир бўлади. Айнан шундай вазиятда инсон ўз мавжудлигини яққол ҳис қилади, англайди Къеркегор ўз маъшуқаси Регинадан воз кечганда, осойишта оилавий ҳаётдан воз кечди, ўзини бир умрга саргардонликка маҳкум қилди. Демак, ўз ҳаётидаги бундай мисол билан Къеркегор шуни исботлайдики, танлаш вазияти мавҳум фикрда эмас, балки ҳаётнинг энг оғир дамларида ўзини намоён қилади.

Къеркегор фикрича, қўрқув бу илоҳий куч ақлий билиш ўрнига экзистенциал қўрқув ҳолатида очилади. Кундалик ҳаётда инсон илоҳий кучни ҳис қилишга, билишга қодир эмас. Унинг онги ҳаётий ташвишлар билан банд бўлади. Ғайритабиий ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегарадош вазиятда инсон илоҳий кучдан нажот истаб, унга интилади. Демак, қўрқув орқали инсон онги илоҳий кучга яқинлашади. Къеркегор айтадики, агар инсонда қўрқув ўрнига меҳр кучлироқ бўлса, у ҳар қандай хатарли вазиятдан эсон омон чиқиб кетади.

Шундай қилиб, фақат умумий тушунчалар билан иш кўрганда ёки мавҳум моҳиятлар масалалари билан шуғулланганда, конкрет ўз мавжудлиги борасида тўқнашадиган муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлолмай қолади. Амалий, ахлоқий мавжудот сифатида ҳар бир инсон фақат умумий фикрлар билан қониқмайди, у ўзининг конкрет ҳаётида қандай йўл тутиши керак, қандай ҳаракат қилиши кераклигини билишни хоҳлайди. Къеркегор ҳаётдаги танлаш масаласига диққат-эътиборини қаратиб, уни ҳал қилишга ҳаракат қилади. Къеркегор фикрича, танлаш вазияти инсонни изтиробидан халос этиш билан боғлиқдир. Бу масалани ҳал қилишда у ўз руҳий ривожининг турли даврларини тахлил қилади, буни инсон мавжудлигининг ривожланиш даврларига татбиқ қилади.

Нима олдидаги қўрқув? Бу қўрқув аниқ бир нимадан чўчиш эмас, балки қандайдир ноаниқпик, умуман дунёдан қўрқув ҳола-тидир. Қачон бу қўрқув ҳолати ўтиб кетса, деярли ҳеч қандай ҳодиса содир бўлгани йўқ, деймиз. Аслида эса, бу қўрқув ҳеч нима олдидаги қўрқувдир. Къеркегор таъкидича, оддий инсон ҳақиқий ҳаётдан, умр кечиришдан йироқдадир. У кундалик майда юмушлар билан машғулдир. Ўз майда манфаатларига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

чўмгандир. Ўзига керакли бўладиган инсонлар билан мулоқотда бўлади ва ҳоказолар. Ана шундай даврда у ўз майда ҳаракатлари, фаолияти учун ҳисобот бермайди. У оддий, одатий ҳаёт икир-чикирларига механик тарзда амал қилиб яшайверади.

Лекин қўрқув ҳолатида инсон кўзидан парда кўтарилади, инсон мавжуддигининг ҳақиқий нури, моҳияти яққол намоён бўлади. Мана шу ерда инсон аниқ англай бошлайди, икир-чикирлар билан яшаш ҳақиқий инсоний яшашнинг моҳияти олдида, мавжудлик олдида ҳеч нимага, бўшлиққа айланиб қола-ди. Курқув эса бизда ички янги имкониятларни туғдиради. «Қўрқув ўзимизни ўзимиз билан қолдиришга мажбур қилади. Қўрқув эркинлик имкониятини туғдиради» [6, 165], - дейди Къеркегор. Экзистенциалистлар фикрича, бегоналашиш жараёнининг учинчи босқичи ҳозирги замонда давом этмоқда. Бу босқичда инсон ўзининг ички оламидан, ўзининг ҳаётидан, мазмунидан ҳам бегоналашиб қолмоқда. Инсон ўзининг ботиний табиатини йўқотиб, фақат зоҳирий табиатда яшаб, унга мослашиб бормоқда. Инсон тобора ўзининг ички ҳиссиётларини йўқотиб жамият машинасининг бир заррачасига айланиб қолмоқда.

Демак, экзистенционалистлар фикрича, инсон жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб боради. Бу хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин. Бу қиёфа заминида ётган инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенционализмни ниҳоятда қизиқтириб келди. Экзистенционализм фалсафаси инсон ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносини англаши учун у эркинликка ва эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари сурди. Лекин инсон бу эркинликни суиистеъмол қилиб, билим мевасидан татиб кўрди ва шу билан гуноҳкор бандага айланди. Унинг гунохи билимга эга эканлигидир. Шу билим орқали инсон ўзининг фожиасига ўзи сабаб бўлди.

Демак, инсон ҳаёт моҳиятини билишга эмас, балки шу ҳаётда яшаш, мавжуд бўлишга интилиши керак. Борликдаги барча жараёнлар Сартр таълимотига кўра, «нарса ўзида» бўлиб қолаверади ва биз уларнинг сирини очолмаймиз. Ҳатто, илм-фан ҳам нарса ва ҳодисаларни фақат юзаки ҳодиса сифатида ўрганади. Уларни ҳаракатга келтирувчи бирламчи кучларни ва бирламчи сабабларни метафизика, деб атаб, назарга ҳам илмади. Натижада оламдаги барча воқеа ва ҳодисалар инсон томонидан сир, махфий «шифр»ларга айланиб қолди. Бу сирлар, махфий шифрлар ичида инсоннинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ўзи ҳам бир катта сир бўлиб қолди. Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади.

Ижод қилиш, янгилик яратиш инсон табиатидаги энг катта мўъжизадир. Инсон жамиятда ўз ўрнини топа олмаса, бу ижодкорлик кучини юзага чиқара олмайди. Унинг қалбида яшириниб ётган марварид, худди денгиз тубида яшириниб ётган марвариддай ўз нурини ҳеч кимга ёғдира олмайди. Инсон қалби яширин қолар экан, ундаги нур ҳам хиралашади. Қалби яширин инсон-дан ташкил топган жамият эса ёпиқ жамиятга айланиб қолади. Бундай жамиятда инсон ижод қилишдан маҳрум бўлиб қолади. У фақат моддий манфаатларга интилиб яшайди. Унинг моддий манфаатлари ва эҳтиёжлари бирин-кетин пайдо бўлиб, ҳеч вақт тугамайди. Бу манфаатлар кетидан интилган шахс ҳеч вақг ўз мақсадига эриша олмайди.

Экзистенциал файласуфлар фикрича, ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини тобора йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, акл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада инсон ҳаётидан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамнинг онги дастурлаштирилган машинага, компьютерга ўхшаб қолади. Инсон ҳам компьютерга ўхшаб, ички беғубор ҳиссиётларидан маҳрум бўлиб қолади. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Юракдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамлар ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин.

Хайдеггер фикрича, инсон ўз қўллари билан яратган нарсалардагина жозиба, илиқ сақланади. Инсон бу нарсаларни яратишда уларга ўз меҳрини, руҳиятини беради. Ҳозирги замонавий саноат маҳсулотлари эса инсон билан бундай руҳий алоқани йўқотган ва натижада инсон ўзи яратган моддий оламдан ҳам бегоналашиб қолиб, нарсаларнинг фақат манфаат келтириш жиҳатидан фойдаланади.

Инсоннинг асл қиёфаси фақат айрим шароитларда яққол очилиши мумкин. Бундай шароитларни экзистенциалистлар чегарадош вазият деб атайдилар. Ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегара, инсоннинг ички ва ташқи олами ўртасидаги ва инсоннинг мавжудлиги ва ҳақиқий борлиғи моҳияти

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

ўртасидаги чегара ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу тушунчани очиб бериш учун экзистенционалистлар инсоннинг ички оламига, эркинлик масаласига диққатларини жалб этдилар.

Жан Пол Сартр ва Альбер Камю асарларида инсоннинг эркинлиги, эркин танлаш ҳуқуқи асосий муаммолардан биридир. Сартр Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларга қарши «Озодлик» ҳаракатида фаол қатнашиб ниҳоят бой тажрибага эга бўлган. Бу ҳаракатда ватанпарвар қатнашчилар билан бир қаторда сотқинлар ҳам бўлган. Уларни бундай қилишга мажбурлаган ҳолат ўлим оддидаги қўрқувдир. Сартрнинг фикрича, ўлим муқаррар бўлган ҳолатда ҳам инсонда эркин танлаш имконияти бор. Агар инсон ўз эркинлигидан воз кечса, бу ўлимдан ҳам оғирроқдир, деб ҳисоблайди. Қисқача айтганда, ўлим ҳақиқатдир. Ўлим арафасида инсоннинг ички кечинмаларида кескин ўзгариш содир бўлади. Бу ўзгариш натижасида инсон аввал англаб етмаган нарсалари бирданига ўз-ўзидан равшанлашади. Инсон учун яхшилик ва ёмонлик ортида ётган чексиз олам очилади. Барча нарсалардаги зиддиятлар бирданига бирлашади. Ясперснинг фикрича, ўлим билан бир қаторда парокандалик ҳолатида ҳам инсон меҳр қўйган нарсаларидан ажралар экан, булардан ҳам устун турадиган қадр-қиммат борлигани ҳис қилади. Бу қадрият моддий бойлик бўлмай, беқиёс чексиз уммондир. Бу уммонни қалб хотиржамлиги, ички сокинлик деб ҳам аташимиз мумкин. Бу ички сокинлик олдида ҳаёт бўронлари кучсиздир. Ички сокинликнинг ўзи буюк бир оламий кучдир. Ясперс фикрича, бу ички сокинлик ҳотиржамлик оламига эсанкиратиб қўядиган йўқотишлар, ажралишлар натижасида кириш мумкин. Бундай зарбаларга фақат қалбда яширинган чексиз ҳотиржамлик ва ички сокинлик дош бера олиши мумкин. Инсон йўқотиш орқали бутун борлиқда мавжуд бўлган ички сокинликни бирданига ҳис қилади. Агар инсон қалби ёлғиз бўлса, эндиликда бу ички сокинлик орқали бутун борлиққа туташади. Экзистенциализмдаги чегарадош вазият масаласини файласуфлар айнан шундай очиб бердилар.

Бу фалсафий оқимнинг йирик намояндаларидан бири Мартин Хайдеггердир. Хайдеггер ўзининг феноменологик услубини яратиб, инсон борлиғи масаласини шу услуб орқали тушунишга ҳаракат қилди. Бу қандай услуб эди? Мартин Хайдеггер фанга «феномен» тушунчасини киритди, бу тушунчани очиб бериш учун ҳодиса ва моҳият ўртасвдаги муносабатни янгича талқин қилади. Хайдеггер учун ҳодиса ўзидан олдинги бошқа бир вазият ёки нарсага боғланади ва ундан келиб чиқади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

Хайдеггернинг «феномен» тушунчаси айнан шу ҳодисанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган моҳиятни очиб беради ва «моҳият» тушунчасини ўз ичига қамраб олади. Хайдеггер инсон борлиғини ўрганар экан, уни бошқа борлиқлардан ажратиб олади. Бу ички борлиқни, яъни моҳиятни «экзистенция» деб атади. Демак, Хайдеггер фалсафасида «экзистенция» тушунчаси инсон ички борлиғининг моҳиятини акс эттиради. Ички борлиқни ўрганиш учун инсон ўз ички оламини эшита билиши ниҳоятда муҳимдир. Бу ички оламда эса Хайдеггер эътиборини шеъриятга қаратди. Негаки, шеъриятда инсоннинг ички олами ниҳоятда яққол намоён бўлади.

Хайдеггер қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва уларнинг мазмунини инсоннинг ички оламидан келиб чиқиб, асл моҳиятини очиб беришга катта эътибор беради. Бу услубни у «герменевтика» деб атади. Хайдеггердан олдин бу тушунчани Шлейермахер киритган бўлиб, қадимги матнларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фалсафий шарҳлашни «герменевтика» деб тушунтирган. Бу соҳада Хайдеггер ўзига хос ўзгартириш киритди. Ундан илгариги файласуфлар Шлейермахер, Дильтей ва бошқалар бу матнларни лингвистик таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беришган бўлса, Хайдеггер ўз диққатини бу таҳлил ичида яширинган руҳиятни ҳис этишга қаратади. Хайдеггернинг феноменологик усули Гуссерлнинг услубидан юқоридаги кўрсатилган фикрлардан ташқари шу билан фарқ қиладики, Гуссерлда фикр оқимини таҳлил қилиш биринчи ўринда турса, Хайдеггерда бу фикрлар орқасида яширинган феномен - ички руҳий ҳиссиётни таҳлил қилиш асосий аҳамиятга эгадир.

Анъанавий рационал фалсафадаги ҳақиқатга бўлган қараш Хайдеггер фалсафасида ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Француз файласуфи Рене Декарт ҳақиқатнинг асосий мезони унинг очиқ ва равшанлиги, деб билади. Хайдеггер ҳам ўзининг «Борлиқ ва вақт» асарида шу фикрга қўшилади. Кейинчалик, 1935 йилга келиб, унинг фикри ўзгаради. Шундай қилиб, Къеркегор танлаш ва унга масъулиятли бўлишни талаб қилади. Танлаш бўлса ҳар доим тасодифан юзага келади, у ҳеч қандай сабаб-оқибатлар билан боғланмайди. Агар танлаш бирон бир сабаб оқибатида юзага келган бўлса, демак, бундай танлаш эркин ҳолатда қабул қилинмаган, шахс эса бунинг учун масъулиятли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам танлаш, Къеркегор фикрича, сабабсиздир ва объектив, инсондан ташқаридаги мезон орқали баҳоланиши бутунлай мумкин эмас.

Демак, Къеркегорнинг инсон ҳаёти йўлининг уч даври ёки даражаси

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

рационализмни эмас, экзистенциализмни тақозо қилади, яъни учга бўлиниш инсон ички олами, эътиқоди, руҳияти ривожи даврларидир. Бир даврдан иккинчисига ўтиш мантиқий жараён сифатида содир бўлмай, балки ирода ҳаракатининг, танлашнинг оқибатидир. Бундай танлашда тафаккур эмас, балки инсон ўзининг бутун ботини билан иштирок этади.

Даврдан даврга ўтиш Къеркегор фикрича, ўтиш инсоннинг ички пушаймонлар, надоматлар бўҳрони туфайли, тафаккурдан воз кечиш орқали юзага келади. «Муҳтожликни танлаб, мен пушаймонни, надоматни танлайман, надоматни танлаб мен мутлақни танлайман, шунинг учун ҳам мутлақлик — бу менман...» [6, 175], - дейди Къеркегор. Тафаккур билан қалбнинг тўқнашиши, хисларни ҳиссиёт бўҳронига олиб келади ва уларни маънан қайта кўришга бориб тақалади. Лекин бу бўҳрон инсонни ҳалокатдан қутқариш қувватига эга бўлади. Бу қувват қўрқув орқали келади. Инсон ҳаётининг айрим даврларида, лаҳзаларида қўрқув, ваҳима ҳолати, руҳиятини қамраб олади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Къеркегор фикрича, инсон моҳияти эркинликдадир. Бу ғоя кейинчалик экзистенциализм фалсафасининг тамал тоши бўлиб қолди. Бу поғоналар қуйидагилардан иборат: эстетик, ахлоқий ва диний. Биринчи, иккинчи даврлар «Ёки-ёки» асарида тўлиқ таҳлил қилинган. Учинчи давр эса «Қўрқув ва ҳаяжон» асарида очиб берилган. Ҳар уч давр қайтадан яна «Ҳаётий йўл чорраҳалари»да чуқурроқ таҳлил қилинган. Инсон ўз ривожининг эстетик даврида ташқи дунёга катта эътибор беради. Эстетика бу ҳиссиётлар ўйинидир. Шундай қилиб, эстетик ҳаёт тарзи инсонни зерикарли ҳаётга олиб келади, ундан воз кечиб инсон юқорироқ даражадаги ҳаёт тарзига ўтади, яъни ахлоқий даврга ўтади. Бу даврда бурч ҳиссиёти ҳукмрон бўлади. Ахлоқий даврда инсон хиссиётлар ўйинидан воз кечиб, ўз хоҳиш-иродасини ахлоқий қонуниятга бўйсиндиради. Булар инсон тақдирини, уларнинг ҳаёт йўлини ҳал қилмайди. У шундай дейди: «Менинг «Ёки-ёки»им эзгулик ёки ёвузлик ўртасидаги менинг танловим эмас, балки эзгулик ёки ёвузлик ўзи танланади ёки инкор қилинади».

REFERENCES

1.Тўйчиев Б.Т. Серен Къеркегор (фаолияти ва ижтимоий-фалсафий таълимоти). – Тошкент, 2004.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00439

2. Шестов Л. Кьеркегард и экзистенциалная философия. – М.: Мысль, 1939.
3. Быховский Б.Э. Кьеркегор. – М.: Мысль, 1972.
4. Антология мировой философии. – Т. 3. – М.: Наука, 1971.
5. Йўлдошев С. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2002.
6. Slfks J. Kierkegaards Univers. En ny guide til geniet. – Kfbenhavn, 1983.
7. Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высщая школа, 2001.
8. Долгов К.М. От Къеркегора до Камю. - М.: Исскуство, 1990.
9. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Западная философия XX века. – М.: ПРОСПЕКТ, 1998.
10. Къеркегор С. Болезнь к смерти. Этическая мысль. - М., 1990.
11. Къеркегор С. Несчастнейший. - М., 2007.
12. Siren Kierkegaard Papers and journals a selection Translated With intro-ductions and notes by Alastair Hannay 1996 y 686 p.
13. Kierkegaard Within your grasp The 'first step to Undersl arding Kierkegaard By Shelley O Hro 2004.
14. Kierkegard A biographies Austiur Hannay University of OSLO Cambridge University press 2003Y 496 p.
15. Kierkegaard Seren. Samlede Vaerker. Bind 6. Kobenhavn. 1962.
16. Реале Д., Антисери Д. Западная философия от истории до наших дней. В 4-х томах. – М., 2004.
17. Ruzmatova G. Eastern melodies in the text of Plato // International Journal of Recent Technology and Engineering. Vol. 8, Issue-2S6, July, (2019). –P. 444-448. IJRTE. ISSN: 2277-3878.
18. Ruzmatova G. Comparativist analysis of Representations about Will in View of Friedrich Nitzsche and Jalaliddin Rumi // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. ISSN: 1475-7192. –P. 3215-3227.
19. Rakhimdjanova D.S. Features of the freedom issues in the Plot’s philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28, No. 16. (2019), pp. 1560-1564. ISSN: 2005-4238 IJAST